


Ўзбекистон мусулмонлари идораси учун янги бино барпо этилади



11:41 / 20.09.2018 3250

19 сентябрь куни Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Усмонхон Алимов “Ҳазрати Имом” мажмуаси ва “Мовароуннаҳр” нашриёти ёнида барпо этилиши режалаштирилган уч қаватли бино лойиҳаси билан танишди, дея хабар берди Ўзбекистон мусулмонлари идораси матбуот хизмати.

Image not found or type unknown



Ташриф давомида муфтийга ушбу қурилиш жараёни ҳамда кўзда тутилган режалар ҳақида батафсил маълумот берилди.

Лойиҳага кўра, ушбу ҳудудда уч қаватли муҳташам бино қад ростлайди. 1-2 қавати – Диний идора, “Мовароуннаҳр” нашриёти ходимлари, Тошкент

Ислом институти устоз ва талабалари учун ошхона, 3 қавати – мартабали меҳмонларни кутиб олишга мўлжалланган зал ва ресторандан иборат бўлади. Шунингдек, мазкур бинонинг ертўласида ЎМИ босмахонаси ташкил этилади.

Муфтий ҳазратлари қурувчилар билан бўлиб ўтган самимий мулоқотдан сўнг қурилиш бўйича зарур таклиф ва тавсияларни бердилар. Аллоҳ таолодан динимиз ривожини йўлида бошланган ушбу қурилиш ишининг хайрли бўлишини, қурувчиларга куч-қувват сўраб дуо қилдилар.

***Islom.uz* портали таҳририяти**